ТЕКЕШ МУЗЛИГИНИНГ ГЕОТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ

Сабитова Наила Исмаиловна
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Табиий география кафедраси. Г.ф.д., профессор.
E-mail: nellisabitova @mail.ru.
https://orcid.org/0000-0002-3875-6765
Худойбердиева Дилноза Абдиғаниевна
Х.М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти, гляциол-геология маркази кичик илмий ходим
E-mail: xudoyberdiyevadilnoza72@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Писком дарё ҳавзасида жойлашган Текеш музлигининг геотуристик салоҳияти, дала тадқиқотлари ва ГАТ таҳлили асосида ёритилган. Тадқиқот доирасида глобал иқлим ўзгариши шароитидаги музликларининг ҳолати ва улар билан боғлиқ бўлган геоморфологик, геологик ва гидрологик жараёнларнинг фаоллашуви илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Писком ҳавзаси, Текеш музлиги, геотуристик салоҳият, ГАТ технологияси, гляциотуризм, туристик маршрут.

Кириш. *Тадқиқот мавзусининг долзарблиги*. Бугунги кунда туризм дунё мамлакатларида ва Республикамиз иқтисодий ривожланишида муҳим йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2023 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар сони 6,7 миллион нафардан ошган [1]. 2026-йилнинг дастлабки беш ойида мамлакатга 5,3 миллиондан ортиқ хорижий сайёҳлар келган бўлиб, бу кўрсатгич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37 фоизга кўпдир. БМТ туризмининг сўнгги маълумотларига кўра, Ўзбекистон сайёҳлик оқимининг энг юқори ўсиш суръатларига эга топ-5 мамлакат қаторига кирди. Бу натижалар очиқлик сиёсати ва туризмни ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар натижасидир [3.6].

Туризм табиий ҳудудлардан оқилона ва барқарор фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва маҳаллий иқтисодиётни юксалтиришда даромад манбаи ҳисобланади. Ўзбекистонда туризмнинг деярли барча йуналишлари – зиёрат, экологик, тарихий-маданий, рекрацион, тоғ ва бошқа туризм турлари мавжуд. Шу жумладан геотуризм ривожланишига мамлакатимизнинг геологик тузилиши хилма-хил рельеф шакллари тоғ музликлари ва ноёб табиий геологик ёдгорликлар кенг имконият яратмоқда.

Геотуризм ва унинг янги тармоғи гляциотуризм — нафақат республикамизда, балки бутун жаҳон илм-фан тизимида ҳали тўлиқ ўрганилмаган, ўзига хос янги соҳадир. У табиатнинг бебаҳо мўъжизаларини, музликларнинг тилсим гўзаллигини инсонга яқинлаштиради, илм учун эса келажакнинг очилмаган саҳифаларини ваъда қилади. Шулар қаторида Ғарбий Тяншан тоғларининг Писком дарё ҳавзасида жойлашган Текеш музлиги геотуризмни ривожлантириш учун аҳамиятлидир.

Муҳокама. Писком ҳавзаси ўзининг бой геологик тузилиши, тектоник ва геоморфологик хусусиятлари ҳамда музлик рельеф шакллари (мореналар, каарлар, трог водийлари) билан ажралиб туради. Текеш музлиги ушбу ҳавзадаги эстетик жиҳатдан энг жозибадор ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тоғ музликларидан биридир.

Музликларнинг эриши сув оқимларига бевосита таъсир кўрсатиши билан бирга геотуристик нуқтаи назардан ноёб экзоген жараёнларни ҳам кузатиш имкониятини беради. Шунинг учун ГАТ (ArcGIS) маълумотлари асосида Текеш музлигининг рельеф нишаблиги, ёнбағирларининг экспозицияси ва кўчки ҳавфи юқори бўлган зоналари моделлаштирилиб, геотуристлар учун энг ҳавфсиз ва геоморфологик жиҳатдан жозибадор бўлган маршрут ишлаб чиқилмоқда. Ҳудуднинг геотуристик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Текеш музлигига 3 кунлик маршрутни таклиф этилади. Текеш музлигига йўналтирилган маршрут геотуризм ва гляциотуризмни уйғунлаштирган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳудуднинг табиий ва туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Ишлаб чиқилаётган маршрут географик ва ГАТ (ArcGIS) таҳлиллари асосида Тошкент шаҳридаги Саёхат мехмонхонасидан бошланиб бевосита Текеш музлигигача етиб борувчи 9 та асосий тўхташ ва кузатув нуқталаридан иборат комплекс маршрут шакллантирилмоқда.



1-расм. Текеш музлигига йўналтирилган гляциотуристик маршрут (ГИС маълумотлари асосида).


Маршрутнинг умумий узунлиги жўнаб кетиш нуқтасидан, оҳирги манзилгача, ўртача (200 км автомобилда, 7 км пиёда) масофани ташкил этиб, баландлиги 450 метрдан 4000 метргача етади [2]. Таклиф етилган маршрутга табиий ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда туристларнинг учта ёш тоифасига кўра, жисмоний тайёргарлиги этарли бўлган, яъни болалар 12 ёшдан юқори, ўрта ва 50 ёшдан юқори бўлмаганлар учун мўлжалланган.

Текеш музлигининг умумий майдони 2,4247 км^2 бўлиб, музлик яхлит эмас, балки олтита алоҳида музликдан ташкил топган.

1-*жадвал*.

№	Номи	Морфологик типи	Майдони км^2	Пери-метр	Профил Узунлиги м	Энг паст нуқтаси м	Энг баланд нуқтаси м
1	Текеш-1	Водий	1,3171	11547	3008	3113	4056
2	Текеш-2	Водий	0,2777	2807	989	3599	4110
3	Текеш-3	Водий	0,2480	2726	1145	3498	4055
4	Текеш-4	Осилма кар	0,1999	2340	877	3658	3929
5	Текеш-5	Осилма кар	0,3554	2769	551	3794	4082
6	№119	Осилма кар	0,0266	724	300	3534	3613
7	Жами:		2,4247				

Текеш-1, Текеш-2 ва Текеш-3 музликлари келиб чиқишига кўра водий типига мансуб музликлардир. Текеш-4, Текеш-5 ва №119 музликлари эса осилма кар музликлари ҳисобланади [2.5].



2-расм. Текеш музлиги ва унинг тармоқлари космик тасвирдаги кўриниши.

Натижа. Маршрут таҳлилига кўра геотуристик объектларнинг хилма-хиллиги асосида шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Урунғоч кўли туристларнинг дам олишлари учун энг жозибадор, эстетик завқ бағишлайдиган манзил ҳисобланади. Нанай кўприги ва Қорақизсой нуқталарида геоморфологик кузатувларни амалга ошириш, назорат постида чегара ва хавфсизлик учун рўйхатдан ўтиш, Майдонтол метеостанцияси эса тарихий-экологик ва илмий-маърифий туризм учун хизмат қилади [4]. Текеш музлиги водийсидаги лагер стационар тунаш базаси вазифасини бажарса, якуний маршрут эса асосий гляциологик кузатув объекти сифатида кўрсатилган.

Шу ўринда қуйдаги амалий ва инновацион таклифлар берилди.

- ГАТ (ArcGIS) ва рақамли технологиялар асосида интерактив платформа ишлаб чиқиш;

Маршрут бўйлаб гео-ахборот тизимлари ва сунъий юлдош маълумотлари (Sentinel, Landsat) асосида хариталарни туристлар учун очиқ мобил илова шаклида жорий этиш.

- Гляциотуризм бўйича гид ва йўлбошчиларни тайёрлаш;

Юқори ва музлик шароитида ҳаракатланувчи туристлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус альпинистик ва гео-экологик тайёргарликка эга геотуризм гид ва йўлбошчиларни тайёрлаш лозим.

Хулоса. Текеш музлиги ҳамда унга туташ табиий географик объектлар Писком ҳавзасида гляциотуризмни ривожлантириш учун муҳим геотуристик салоҳиятга эга ҳудуд эканлигини кўрсатди. Музликларнинг яхлит эмаслиги, балки бир нечта музликлардан ташкил топганлиги туристлар учун бир жойнинг ўзида турли хил типдаги музлик шаклларини кузатиш имконини беради. Шу ўринда ГАТ ва рақамли технологиялар(Sentinel, Landsat суний юлдош маълумотлари) асосида интерактив мобил платформа яратиш, шунингдек, гляциотуризм бўйича махсус альпинистик ва гео-экологик тайёргарликка эга гид ва йўлбошчиларни тайёрлаш каби инновацион тавсиялар ҳудудда хавфсиз ва барқарор туристик фаолиятни ташкил этишга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, Писком дарё ҳавзаси Текеш музлиги Ўзбекистонда гляциотуризмни ривожлантириш учун энг истиқболли, эстетик жозибадорликга эга бўлган ҳудуд бўлиб, унинг салоҳиятидан барқарор фойдаланиш, маҳаллий бандликни ва аҳоли турмуш даражасини ошириш ва музликларни асраб авайлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Алимов А.К Тоғ туризмининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти. Педагогик ислоҳотлар ва уларнинг ечимлари. 1.10.2025. 136 б.

2.Каталог ледников Республики Узбекистан. Час I. Ташкент 2025. 104-с.

3.Ўзбекистон Республикаси туризм қўмитаси. gov.uz

4.Шомуродова Ш.Ғ, Шарипов Ш.М, Чорвоқ эркин туристик зонасида туризмни ривожлантиришнинг табиий географик асослари. Тошкент, Университет 2022, 107 б.

5.Щетинников А.С, Подкопаева Л.Д, Каталог Ледников СССР, том 14, Средняя Азия, выпуск 1, Бассейн р Сыр-дарьи, Част1, реки Рскем, Гидрометеорологическое издательство, Ленинград, 1968 г, 30 с.

6.https://www.tadviser.ru/index.php/Статья:Туризм_(мировой_рынок)

FARG‘ONA VODIYSI TURISTIK-REKREATSION RESURSLARIDAN BARQAROR FOYDALANISHNING TABIIY-GEOGRAFIK VA GEOEKOLOGIK JIHATLARI.

AKBAROVA FOTIMAXON AZIMJON QIZI.

Annotatsiya: *Mazkur maqolada Farg‘ona vodiysi turistik-rekreatsion resurslaridan barqaror foydalanishning tabiiy-geografik va geoekologik jihatlari yoritilgan. Unda vodiyning tabiiy landshaftlari, iqlim sharoiti, suv resurslari, tog‘li va adir hududlari, mineral buloqlar hamda madaniy-tarixiy obyektlarning turizm va rekreatsiya rivojlanishidagi o‘rni tahlil qilinadi. Shuningdek, turistik-rekreatsion resurslardan foydalanishda yuzaga kelayotgan ekologik muammolar, antropogen bosim, landshaftlarning buzilishi, suv va tuproq resurslariga ta’sir kabi masalalar ko‘rib chiqiladi. Tadqiqotda Farg‘ona vodiysida turizmni rivojlantirishda*